# Тендер Техник Топшириқ (ТТЗ)

Ушбу техник топшириқ “Навоийазот” АЖ томонидан иш берувчининг фуқорлик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича тендерда қатнашиш учун суғурта компанияларига тақдим этилади

## 1. Тендер мақсади

Иш берувчининг фуқарлик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта компаниясини танлаш.

## 2. Қамров доираси

Суғурта хизматлари “Навоийазот” АЖ ходимлар учун амал қилади.

## 3. Суғурта муддати ва ходимлар сони

- Суғурта муддати: 12 ой
- Суғурта қилинадиган ходимлар сони: 8537 нафар

## 4. Суғурта компаниясига қўйиладиган талаблар:

1. Ташкилотнинг устав фонди (уставдаги давлат улуши) .

2. Ташкилотнинг молиявий ишончлилиги ва барқарорлиги. (халқаро рейтинг ташкилотларининг суғурталовчининг молиявий барқарорлиги бўйича рейтинг прогнози).

3. Ташкилотнинг суғурта бозоридаги фаолиятининг даврийлиги.

4. Ташкилотнинг тўлов даражаси. (уровень выплат)

5. Ташкилот томонидан қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилгани ҳақидаги маълумотлар, ташкилот тўғрисидаги негатив ахборотлар.

6. Ташкилот томонидан қўшимча бепул хизматлар кўрсатилиши, масалан юридик ёрдам кўрсатиш ва бошқалар.

7. Хизмат кўрсатиш сифати (электрон платформалар орқали масалаларнинг тезкорлик билан ечилиши, бюракратик тўсиқларнинг олди олинганлиги, суғурта жараёни бўйича тўловларнинг тезкорлик ва содда усулларда ҳужжатлар расмийлаштирилиши орқали тўловлар амалга оширилиши).

8. Суғурта компаниясининг тажрибаси ва обрўси (фикрлар).

Изох* Барча тақдим қилинган маълумотлар балл тизими орқали кўриб чиқилади.